

МОҲга аъзо мамлакатлар парламентлари вакиллари учрашуви

Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Вохидов сўзга чиқди. Таъкидландики, МОҲга аъзо мамлакатлар парламентлараро ҳамкорлиги ҳаётий зарурат бўлиб, давлатлараро муносабатларнинг андан бери қўлланилаётган шаклидир. Еш давлатлар мустакил ривож ҳақида муайян хулосалар чиқариш имконияти

мажбур бўлган ҳозирги вақтда мамлакатларимиз олий қонунчилик ҳокимияти органлари таърибасини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу таърибаларни умумлаштириш ва таҳлил этиш асосида миллий парламентаризм институтларини ҳамда уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги амалий ролини кучайтириш масалаларини ҳал этиш оsonроқ бўлади. Учрашувда парламентлараро ҳамкорлик институти

МОҲга аъзо мамлакатлар парламентлари вакиллари Кенгагини тузиш тўғрисида келишиб олинди. Парламентлараро ҳамкорлик оид ахборот алмашув, палаталар, қўмиталар ва комиссиялар раҳбарлари, олий қонунчилик ҳокимияти органлари аппаратлари масъул ходимлари учрашувлари каби шакллари ривожлантириш тўғрисида тақлифлар билдирилди. Муҳокама чоғида тўрт қардош давлат қонун чиқарувчилари парламентлараро ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустахкамлаш йўллари кўриб чиқди. Учрашув қатнашчилари МОҲга аъзо мамлакатлар парламентлари ҳамкорлиги тўғрисидаги ўртасидаги дўстлики, Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорлиқни мустахкамлашнинг муҳим омилли, деган яқдил фикрга келди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

ТИҲ дастури доирасида ҳамкорлигини кенгайтириш юзасидан кенг қамровли маслаҳатлашувлар олиб боришни таъминлайди.

Узбекистон Республикаси ТИҲ дастурида 1994 йилдан буён иштирок этиб келмоқда.

Евроатлантик ҳамкорлик кенгаши хавфсизлик ва сиёсат соҳасида маслаҳатлашувлар, музокаралар ва ҳамкорликни ривожлантириш бўйича фаолият олиб боради. ЕАҲК мажлисларидан ташқари Шимолий Атлантика кенгаши шарафлигида ҳамкорлик бўйича шерик давлатлар вакиллари билан доимий учрашувлар ўтказилиб турилади.

1997 йилда таъсис этилган Евроатлантика ҳамкорлик

кенгаши ташкил топганидан сўнг Тинчлик йўлида ҳамкорлик дастурининг барча иштирокчилари ЕАҲКга аъзо бўлдилар.

Мамлакатимизнинг НАТО билан ҳамкорлигининг фаолияти 1996 йил 13 ноябрда Узбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Бельгияга қилган ташрифи билан бошланди. Ташриф давомида Президентимиз Алясининг бош қароргоҳига борди ва НАТО Бош қотиби Х.Солано билан учрашди.

1998 йилда Алясининг Брюсселдаги бош қароргоҳи ҳузурда Узбекистон Республикасининг НАТОдаги доимий миссияси очилди.

НАТО Бош қотиблари Х.Солано ва Дж. Робертсонларнинг мамлакатимизга ташрифлари ҳамкорлигимизнинг янада ривожланишида муҳим аҳамият

касб этди. ТИҲ дастурининг яна бир фаолияти шундан иборатки, у иштирокчи мамлакатлар ҳарбийлари ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш имконини яратди.

Узбекистон қуроли кулачлари вакиллари "Ҳамкорлик меваси-95", "Ультраланс-96", "Кооператив баннерс-97" (Норвегия), "Ультраланс-97", "Кооператив нагет-97" (АҚШ), "Центразбат-97" каби қўшма ҳарбий машқларда иштирок этидилар.

Илмий соҳадаги ҳамкорлик муносабатларимизнинг яна бир сермахсул йўналишидир. Шу йилнинг 13-14 июнь кунлари Тошкентда НАТОга аъзо мамлакатлар ва шерик мамлакатлар ўртасида ягона компьютер тизимини йўлга қўйиш кўзда тутилган "Буёк ипак йўли" илмий лойиҳасига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, НАТО илмий қўмитасининг Тошкентда бўлиб ўтган кўчма йиғилиши Марказий Осиёда илк марта ўтказилди. Ушбу аниқламда НАТО Бош қотибининг илм-фан ва атроф-муҳит масалалари бўйича ўринбосари Ж.Фурне қатнашди.

Бугунга келиб, НАТО Узбекистон олимларига илмий соҳалар учун 69 та грант ажратган.

Узбекистон вакиллари иштирок этидиган, Прагада бўлиб ўтадиган НАТО - Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммити Узбекистон ва НАТО ўртасида ҳамкорлигининг янада жадаллаштирилуви муҳим бир қадам бўлиши шубҳасиздир.

М.ЗОҲИДОВ, "Жаҳон" АА шарҳловчиси.

МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ БЎЛАДИ

Касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамиятига қарашли спорт мактаби эса, асосан миллий кураш турлари ахтисослаштирилган. Бундан ташқари туманимизда изчил фаолият юритаётган бокс тўғрисида мактаб ўқувчиларидан 40 нафари мунтазам шуғулланмоқда. Шунингдек, курашнинг таэквандо тури бўйича тўғаракка 60 га яқин, кўл жанги тўғаракка эса 40дан зиёд ўқувчи қатнашди.



— Демак, туманда спорт базаси етарли экан-да?

— Бундай хулоса чиқариш тўғри бўлмас керак. Гарчи йил бошидан спортнинг кураш турлари, волейбол, шахмат-шашка, футбол, харбий-амалий кўпкураш бўйича туман миқёсида бир қатор мусобақалар ўтказиб келинган бўлсада, спорт иншоотларимизнинг бугунги аҳволи ўзимизни қаноатлантирмайди. Чунки, спорт мактабларимиз ўзларининг тўлиқ спорт базаларига эга эмас. Масалан, халқ таълими бўлимига қарашли спорт мактаби кураш турларига мўлжалланган залга эга, холос.

— Президент Фармони ва ҳукумат қароридан келиб чиқиб, туманда спорт базасини янада кенгайтириш чора-тадбирлари кўрилаяптими?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Долзарб маззу

— Албатта. Туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Тўлқин Давлатов бошчилигида барча мактабларнинг спорт базалари қайта инвентаризация қилиниб, энди қаерда қандай янги спорт иншооти барпо этиш, қайсиларини тубдан таъмирлаш ва янада кенгайтириш зарурлиги аниқланмоқда ва алоҳида режа ишлаб чиқилмоқда.

Туманимиз марказида давр талабларига жавоб бера оладиган замонавий спорт мажмуини куриш харақатини бошлаб юбордик. Бунинг учун 1,3 гектар майдон ажратилди. Бу ерда барпо этиладиган спорт мажмуида сув спорти ҳавзаси, теннис корти, волейбол, футбол, баскетбол майдонлари, бокс ҳамда шахматшашка заллари бўлади. Аини кунларда вилоят архитектура бўлими курилажак мажмуанинг лойиҳасини тайёрламоқда.

— Ҳаммаси яхши, аммо бу режаларнинг рўёбга чиқиши учун анчагина маблағ керак бўлади, унинг ўрни борми?

— Тўғри айтдингиз, бу — хал қилувчи масала. Биз шу пайтгача бу борада нимага эришган бўлсак, ҳаммасини ўз имкониятларимиз даражасида, ҳоимиларнинг кўмагида қилдик. Энди эса, тузилаётган болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва айниқса, унинг ҳоимийлик кенгаши мустаҳкам таянч бўлади, деб ишонамиз.

Абдусамид йўлдошев, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимизда малякали кадрларга бўлган талабни қондиришни кўзда тутувчи кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи амалга оширила бошланди.

Бу борада таълим соҳасидаги ҳукуматлараро битим катта ёрдам бермоқда. Хусусан, уларда фуқароларимизнинг чет элда таълим олиши кўзда тутилган. Шунга қара, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йилнинг 1 февралда Узбекистон Республикаси вакиллари Японияда таълим олишини ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Маъзур ҳужжат Япония ҳукуматининг 127 миллион иен миқдоридagi бегараз ёрдамидан фуқароларимиз Япониянинг нуфузли олий ўқув юрларида таълим олишини ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш учун самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Бу лойиҳа тўрт йилдан буён амалга оширилмоқда. Лойиҳа Япония университетларида камида икки йил таълим олишни кўзда тутди. Кунчиқар мамлакат томонидан Узбекистонга 2000 йилдан бошлаб ҳар йили грант асосида маъзур ўқув юрларининг магистратурасида таълим олиш учун 20 та ўрин ажратилмоқда.

Утган йилдан бошлаб "Иқтисодий", "Ҳуқуқ", "Бизнесни бошқариш", "Халқаро муносабатлар" каби мутахассисликлар билан бир қаторда Узбекистоннинг илтимосига кўра ўқув дастури рўйхатида "Ахборот технологияси" мутахассислиги ҳам киритилди.

Ж.РАУПОВ, ЎЗА мухбири.

Нишондорларимиз

УМР МАЗМУНИ

...Болалигида беадад кўмир ҳавзаларига қадар ястаниб ётган Боғи-сурх (эски қўрон)нинг йўлларидан адир томон мол ҳайдоб ўтган Абдимўминда қонда ишлаётган бажайбат эскаваторлар ҳам ҳайрат, ҳам ҳавас уйғотарди.

Йиллар ўтди. Мактабни тугатиб, шарҳдаги 3-хунара-билим юртига ўқишга кирди. Ўзи орзу қилганидек, Ангрэн кўмири қонига эскаватор машиначиси ёрдамчиси бўлиб ишга жойлашди. Бир йилда билим юртида олган назарий билимларини тажрибада анча мустахкамлаб олди. Шу орада ҳарбий хизматга қақририлди. Қозғистоннинг Бойқўнғир космодромида механиклик қилди, асқар сифатида янада гайратта, шижоатта тўлди.

Ҳарбий хизматдан қайтгач, иш фаолиятини қонда давом эттирди. Эскаваторчи мустакил бошқара билганида биринчи устози Тўқсонбой Пардаев, шунингдек, Маннон Жўраев, Николай Мельниковларнинг қувонганликларини айтмайсизми.

— Абдимўмин ишчан, қатъиятли ва бир сўзли йигит, — дейди шогирди ҳақида фахрий қончи Маннон ака Жўраев. — Техникани кадрига етади. Бажайбат бор, техникага тили йўқ, бир совуқ темир сифатида қаради. Абдимўмин, эскаваторни авайлайди, унинг саз ва бегуҳтов ишлашига ҳаракат қилади. Сал носоз бўлди, тутатмағунича ҳаловати бўлмайди. Сир эмас, қонга кейинги олинган ЭКП русумли эскаваторларнинг аксарияти тез-тез "танарфус"га чиқиб туришади. Бу иш суръатига қанчалик салбий таъсир кўрсатади, қончиларга аён.

Дарҳақиқат, Абдимўмин Дехқонов қонда 32 йилдан буён ишлаётган бўлса, хозирги бошқариётган ЭШ-10/70 эскаватори унга 28 йилдирки, кадрдон ҳамроҳ. Аини вақтда бригадада 10 нафар устоз ва шогирдлар меҳнат қилишади.

Унинг аъзолари ҳозир ҳавзанинг энг қуий жойида ишлашяпти. Эскаватор кечаю-кундуз ҳаракатда, у 70 метрлик "хартум"и билан 10 куб тупроқ сигими-га эга «чўмичи» ёрдамида ҳар сменада катта ҳажмдаги қон устини очиб ишларини бажаради.

— Техника жуда нозик нарса, — дейди А. Дехқонов. — Тилини билмасангиз, кўп нарсани, энг ёмон вақтни йўқотасиз. Унинг биринчи галдаги давоси ҳам, малҳами ҳам — мой. Вақтида мойлаб турилса, саз ишлади, эҳтиёт қисмларга унчалик эҳтиёж ҳам сезилмайди.

Ҳақиқатан ҳам, Абдимўмин ақани техниканинг пири дейиш мумкин. У билим юртида эскаваторчилик билан бир қаторда электрчилик, тоғ ишлари, шунингдек, иқтисодий йўналишларда ҳам билимга эга бўлди. Чунки, эскаваторчи биргина машинани бошқарибгина қолмай, уни ҳаракатга келтириб турган юкори қувватли электр мосламаларини ҳам тушуниши керак.

Мана шу ҳаракатларнинг ҳаммаси ютуқлар омили бўлаяпти. Яъни бригаданинг ойлик режалари 110-120 фоизга бажариб келинаяпти. Қолаверса, Ангрэн кўмири қонининг кўп ва сифатли қўмири қазиб олиш йўналишларида ҳам билимга эга бўлди. Бунинг натижалари аниқ шундай натижалар ва ҳаракатлар самимида йилдан-йилга ортиб бораёпти.

— Қонни қайта усқуналаш ишлари ҳукумат дастури асосида амалга оширилаяпти. Бу қалбимизда қоннинг истиқболи порлоқ эканлигига ишончини янада мустахкамлади, — дейди қончи.

Абдимўмин Дехқоновнинг 30 га яқин невараси, 10 га яқин авараси бор. Машиначининг катта ўғли Азамжон ота касбининг эгаллаб, ёмон бўлмаяпти. Кичик ўғли Абдор ҳам отаси, ақасига эргашмоқда. У яқинда қасб-хунара коллежини тугатиб, Унинг ҳам мақсади қонда ишлаш. Абдимўмин ақанинг оиласи, фарзандлари ҳақида маҳалла-қўй ҳам яхши фикрда. Бунинг уртақликлари Дехқоновлар сулоласига ҳавас билан қарашларидан билиш мумкин.

Ха, ҳалол, меҳнатсевар инсонларни омад, бахт ўзи излаб келар экан. Абдимўмин ака ҳаётда неки ютуқларга эришяпти, буларнинг ҳаммаси у кишининг меҳнатлари, илганишлари махсулидир. Бундай кишилар эса, юртимизда доим иззатда, ҳурматда бўлади. Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги олдидан Ота-Ватанимизнинг унга берган юксак муқофоти — «Меҳнат шурхати» ордени ҳам шундан далалат бериб турибди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

«Мулоқот» ойнамаси дунё юзини кўргандан бери республикамиз мустакиллиги, халқимиз онгида мустакиллик мафқурасининг шаклланиши йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Журнал шу куннинг сиёсий, иқтисодий-иқтисодий, маънавий-маърифий муаммоларини кўтариш билан бирга маданий ва тарихий меросимизни бугунги кун нуқтан назардан туриб кенг тарииб қилишни ўзининг асосий мақсади деб билган ва бундан кейин ҳам бу йўлга содиқ қолади.

Таълим-тарбия масалалари, таълимдаги ислохотлар, назардан четда қолмайди. Ушбу ўта долзарб масалага ҳам журнал ўзининг ҳар бир сонидан жой ажратишга ҳаракат қилади. «Мулоқот»нинг шу йил 2-сонида «Олий таълимда ислохот» руқни остида берилган Қарши муҳандислик-иқтисодий институти ректори, Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Муродулла Нормуродов билан сўхбат олий таълимдаги ислохотларга, жамиятимизга етуқ мутахассисни етиштириш ва қонил инсонни табиалаш масалаларига бағишланган. Бугунги кун учун ўта долзарб саналган ушбу маззу Санобар Тўраевнинг «Қадр толган қадрийлар», Саодат Тожиёвнинг «Миллий муносабатларда умуминсонийлик», Тўра Норбоевнинг «Миллий гоиянинг ижтимоий тарақийётдаги ўрни», Анвар Чориевнинг «Билимдан гоияга, гоиядан эътиқодга» каби мақолаларида кенг ёритилган. Ахбор Ҳасановнинг «Оила салтанати»

ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ

мақоласида оилавий муҳитнинг соғлом бўлиши, соғлом муҳитда соғлом авлодни вояга етказиш масалалари ақс этган.

Халқ таълими ходимларидан журнал тахририятига келган хатларда тарих, фалсафа, сиёсатшунослик, ахлоқ-одоб, тил ва адабиёт фанларидан дарсликларга киритилмаган маълумотлар «Мулоқот»да ёритилади.

Журнал яқинлашиб келаётган 2003 йилда ҳам «Шарқ алломалари», «Буёқ мутасаввуфлар», «Истиклол фидойилари», «Мозийдан садо», «Тарих ва тақдир», «Маърифат булоқлари», «Муқаддас китоблар», «Табарук шахарлар» каби бурчлар остида қизиқарли мақолалар, шеър ва ҳикоялар ёритишни мўлжаллаган. Шунингдек, халқимизнинг урф-одатларига, ахлоқ-одобга, миллий ўзига

Обуна — 2003

хослик билан умуминсоний фазилатларга бағишланган мақолаларни чоп этиш режалаштирилган.

«Мулоқот» журналининг ўзига ўқушаш наешрлардан яна бир фарқли жиҳати шундаки, у ташкил топганидан хозирги кунгача ўз вақтида чиқади, обуначилар кўлига ўз вақтида етиб боради. Журнал жамоаси ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда доимо изланишда. Ана шу изланишлар меваси

Сиз азиз журналхонларнинг қалбига йўл топади, улардан ўз вақтида баҳраманд бўлаёяга етказиш масалалари ақс этган.

Азиз журналхон! Сиз агар 2003 йил учун «Мулоқот»га обуна бўлиб, унинг ҳар бир сони билан танишиб борсангиз, албатта, маънавийингизга нимадир қўшган бўласиз.

Агар Сиз журналга ўз вақтида обуна бўлсангиз, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ютасиз. Чунки журналимизнинг савдодаги нархи обуначиликдан бирмунча қимматроқ. Бундан ташқари «Мулоқот» эркин савдога чекланган миқдорда чиқади. Энг қулай имконият — унга ўз вақтида обуна бўлишдир.

Журнал йил давомида 6 марта чиқади. «Мулоқот»га обуна бўлишни асло эсдан чиқарманг. Журналнинг нашр кўрсаткичи (индекс) — 844. **Нормўмин ОЧИЛОВ, журнал бўлим мудири.**

ҚОҒОЗБОЗ ЖАРИМА ТЎЛАДИ

Ҳукумат тадбиркорликка кенг йўл очиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга интилаяпти. Лекин, бу сазь-ҳаракатларга тўсиқ-тўғаноқ бўлаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Вилоят Адлия бошқармаси ўтказган ўрганишлар Ангрэн, Охангарон, Чирчиқ, Бекобод шахарлари ва Охангарон, Оққўрғон туманларида тадбиркорлик субъектларига кредит маблағларини ажратишда кредит таъминотини олдидан талаб қилиш, ортиқча ҳужжатлар олиш, шунингдек, ҳисоб рақами очилган бир қатор қонунбузарликларга йўл қўйилаётганини аниқлади.

Биргина мисол: «Тадбиркорбанк»нинг Оққўрғон туман бўлими «Бойчечак» деҳқон хўжалигига 6,8 миллион сўм кредит ажратган. Бу — яхши, лекин кредит ажратиш жараёнида миқдорга етиш ил қонкерак ҳужжатларни тақдим этиш талабини қўйиб, уни обдон оворая-сарсон қилишди. Яқна тартибдаги тадбиркор Замира Сидиқова ҳам 500 миң сўм кредит олиш учун роса елиб-югурди.

Адлия бошқармаси тақдимномасига асосан «Тадбиркорбанк»нинг Оққўрғон туман бўлими бошқарувчиси Б. Очиллов ўз ойлик иш ҳақи ҳисобидан жарима тўлашга мажбур бўлди. Бош муҳосиб А. Юсупов эса, ҳайфсан билан қўтилди.

БОШЛИҚ ЖАЗОЛАНДИ, НЕГА?

Тадбиркор С. Ёқубова Халқ банкининг Чирчиқ шахар бўлиминдан олган кредити бўйича юзага келган муаммоларни ҳал этишда ёрдам сураб мурожаат қилди. Ишга аниқлик киритиш жараёнида банк бошқарувчиси Д. Эргашев, кредит бўлими бошлиғи Г. Рашидовалар Адлия бошқарма-

Вилоят Адлия бошқармасида

НОҚОНУНИЙ УНДИРИЛГАН МАБЛАҒ ҚАЙТАРИЛДИ

Охангарон шахар солиқ инспекцияси «Темир ота» кичик корхонасидан 693,7 миң сўм молиявий жарима ундириди. Корхона раҳбари Д. Алимхўжаева Адлия бошқармасига ариза билан мурожаат этиб, бу иш ноқонуний бўлганини таъкидлади ва ушбу жаримани бекор қилишда ёрдам беришни сўради.

Маълумки, банк муассасалари томонидан нақд пул тушумлари кундузги соат 16-17 лар оралиғида тўллаб олинади. Хусусий кичик корхона эса, савдо ишларини руҳсатнома асосида кеч соат 20 гача давом эттиради. Шу мuddатда тушган пул маблағлари банк муассасасига эрта сони топирилади. Солиқ инспекцияси ходимлари Э. Абдулазизов ва Р. Гойбердиевлар «Темир ота» хусусий кичик корхонасининг фаолиятини текширишда расмиятчилик ва юзакчиликка йўл қўйишган. Улар шу мuddатда банкка топирилмаган пул тушумлари учун жарима қўлашган.

Охангарон шахар солиқ инспекциясининг асосий қарори бекор қилинди. Ноқонуний ундирилган жарима «Темир ота» фирмасига қайтарилди.

ишлари бўйича Чирчиқ шахар суди Узбекистон Республикасининг Маъмурий жа-вобгарлик тўғрисидаги Кодекси 198-моддасининг 1-қисмига асосан банк бошқарувчиси Д. Эргашевдан 7890 сўм жарима ундириш ҳақида қарор чиқарди. Кредит бўлими бошлиғи Г. Рашидовга нисбатан Меҳнат кодексининг 181-моддаси 1-банди қўлланилди, у «ҳайфсан» олиб қўтилди.

Ю.ЖУМАНИЕЗОВ.

Тадбиркорга мададкор

Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида «Ҳамкорбанк»нинг бўлими иш бошлади. Бу ерда Халқ банкнинг шахар бўлими ҳам тадбиркорларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Натияжада шахарда кичик ва ўрта бизнесга ёрдам қўлини чўзаётган тижорат банклари сони тўрттага етди.

— Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида банклар томонидан тадбиркорлик субъектларига 882 миллион сўмдан зиёд кредит берилди, — дейди шахар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Гофур Сайдалев. — Бу бонда режаалаштирилганидан анча қўп. Шунингдек, «Бизнес фонд», «Банқлик» жамғармаси ҳам оилавий тадбиркорларга бошланғич сармоя учун маблағ беришти.

Натияжада Олмаликда кичик ва хусусий корхоналар йил бошидан буён 87 тага кўшайди. Уларда юзааб иштиги иш урилари очилди. Шунингдек, яна 545 киши хусусий тадбиркорлик билан шугуллана бошлади.

Н.ДУШАЕВ, ЎЗА мухбири.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ КИНОСИ ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтдаги Киночилар уйида Корея киноси фестивали бўлиб ўтди.



Яқинда Пусанда ўтказилган Осиё уйинларининг муваффақиятли якуни муносабати билан уюштирилган мазкур тадбир мотамидан яратилган бир неча фильмлар намойиш қилинди. Хусусан, фарзандсиз оила ташвишлари ва кечинмалари ҳақида ҳикоя қилувчи «Бир кун» (режиссёр Хан Чжи Сёнги), ўт учирувчиларнинг чинакам жасоратта тулик фаолияти тўғрисидаги «Либертаме» (режиссёр Янг Юн Хо), ёш муаллима ва банк ходими ўртасидаги муҳаббат киноссаси бўлиши «Хотиним бўлганда эди» (режиссёр Пак Хинг Сек) киноленталари анжуман иштирокчиларини Кореянинг бугунги ҳаёти билан таништирди.

КИЧИК АРФА КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясининг кичик залда тайёрготилган «Арфасининг бир тури» чолғучиларининг концерти бўлиб ўтди. Ушбу япон ижодий жамоаси «Каринкай» деб аталади.

«Каринкай» гуруҳи 1995 йилда тузилган. У 1998 йилда Манакода ва 2000 йилда Хитойда катта концертлар берган. Тошкентга келган қатнашчилар орасида Ибараци префектураси ва Киото шаҳри вакиллари бор. Мазкур тадбирни «Nippon Express» ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси ва мамлакатимизнинг Маданият ишлари вазирлиги кўмағида ташкил этди. (ЎЗА).

УЧ РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида Алишер Мирзоев, Баҳодир Жалолов ҳамда Акмал Нур ижодига бағишланган кўрғазма очилди.

Ҳар уччала мусаввир асарлари ўзининг миллийлиги, ёрқинлиги, фалсафий мушоҳадага бойлиги боис юртимиздан олисларда ҳам машҳур. Бугунги кунда улар мўйқаламига мансуб картиналар республикамизнинг мухташам саройлари, музейлари билан бирга жаҳоннинг АКШ, Австралия, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия каби мамлакатларидаги шахсий коллекцияларда, галереяларда сақланмоқда. Очилиш маросимида мазкур рассомлар асарлари билан безатилган 2003 йил тақвими тақдими ҳам бўлиб ўтди. (ЎЗА).

ОЛИЙ ТАБАКА МУДАДТДАН ОЛДИН ЧЕМПИОН

Мамлакат ўн биринчи миллий чемпионати олий табақасида навбатдаги 28-тур ўйинлари ўтказилди. Барча учрашувларда майдон эгаларининг кўли боланд келди.

«Металлург» бу йилги чемпионатда кучлилар сафидан жой олиш учун сўнги ўйинларни кўтаринки руҳда ўтказмоқда. Бу турда чемпионат медалларидан бирига давogarлик қилаётган «Насф» жамоаси қабул қилди. Биринчи бўлимида дарвозалар дахлсизлиги сақлиниб қолди. Танавфусдан сўнг майдон эгалари ҳужуми кучайтирдилар ва 47-дақиқада ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. 78-дақиқада Александр Ежов, сўнги дақиқада Вячеслав Баранов «Металлург»нинг 3:0 ҳисобида йирик галабасини таъминладилар. Қолган икки турда «Металлург» «Кўкун» — «Зарафшон» 4:1; «Трактор» — «Бухоро» 3:2; «Машъал» — «Сугдиёна» 1:0; «Пахтакор» — «Самарқанд» 4:0. «Пахтакор» жамоаси мурадидан олдин учинчи марта мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритди. Талъат ЮСУПОВ.



СУРАТДА: XI миллий чемпионат ғолиблари.

НАВБАТДАГИСИ ХОНОБОДА ЎТКАЗИЛДИ

Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида жойлашган «Жокей» от спорти клубида ҳаққаро тоифадаги спорт устаси, олимпия ўйинлари сарбандори, республикада хизмат кўрсатган мураббий Мамажон Исмоилов хотирасига бағишланган тўққизинчи аънаваний хотира турнири бўлиб ўтди.

Мусобақада 50 нафарга яқин чавандозлар отларда тўсиқлардан сакраб ўтишда имкониятларини синаб кўрдилар. Қизғин ўтган беллашувларда чавандозлардан Раиса Раҳматуллаева, Яна Павлова, Сардор Бобононов, Ўқтам Ҳошимов, Азиз Содиков, Файрат Назаров, Даврон Фафуров ва Исажон Содиковлар ўз ҳамкасблари орасида устунликка эришдилар. Ғолибларни Республика от спорти федерацияси, шаҳар спорт кўмитаси ҳамда Мамажон Исмоиловнинг оила аъзолари қимматбахо соғалар билан тақдирладилар. Сурагда: мусобақадан лавҳа. Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

МЕЪМОРЧИЛИК — ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Давлат санъат музейида «Бўшлиқ эстетикаси-Марказий Осиёдаги замонавий меъморчилик» китобининг ва «Швейцария меъморчилиги» видеодастурининг тақдими бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Гёте институтининг Тошкентдаги элчихонаси томонидан ташкил этилди. «Бўшлиқ эстетикаси» китоби Остона, Алмати, Бишкек, Тошкент каби шаҳарлар меъморчилигининг ўзинга хос тадқиқоти ҳисобланади. 100дан ортиқ фотосуратлар мазкур минтақа маданият бойликлари, меъморий тикланишига узлуқсиз интилиш тўғрисида ҳикоя қилади.

«Швейцария меъморчилиги» видеодастури эса, ушбу мамлакат замонавий меъморчилик иншоотларидан 26 тасининг видеоаслидан иборат тўпламдир. Улар орасида турар-жойлар, маъмурий бинолар, черковлар, спорт майдончалари ўрин олган. Фильмда швейцариялик меъморлар ва қурувчилар қуриш ишларида қўллаётган техник ечимлар намойиш этилган. Айтиш керакки, уларнинг меъморий иншоотлари замонавий эстетик талабларга ҳам тўла жавоб беради. «Туркестон-пресс»

ТОША ҲАҚИДА ҚИССА

Этти қават кўрпачада ёнбошлаб, хотин узатган чойини олгани қўл узатса, бойнинг боз бармоғидаги тилла уош сирғилиб, кўрпача устига тушпти-да, икки бўлиниб кетибди. — Э-воҳ, — дебди бой. — Омадим кетгани шу, хотин. Энди мен бу хондонда яшай олмаيمان. Хотинлари, бола-чақалари, ёр-дўстларининг қийчуви, йиғи-сиғи, ялиниб-ёлборишларига қарамай, бой чопонини елкасига ташлаганича, уйдан чиқиб кетибди. Йўл юрибди, йўл юриса ҳам мўл юрибди. Сой кечибди, қир ошибди, ҳафта-ун кун юрибди. Бир пайт баланд тошлоқ тепаликдан олишиб ўтса, пастда, сой бўйида олис-олисларганча чўзилди кетган боғ-роғли, обод қишлоқмиш. Аста тушиб, қишлоқ кўчаларидан ўтиб бораверибди. Этак томонда, кирга туташ боғга кўзи тушибди. Кўрсаки, қаровсиз мевазор, тоқзорлар. Эшикдан қираберишда баланд, йўғон ўрик. Олди ёз, лекин унинг барглари тўкилган, ўрик тагини бемаверид хазон қоплай бошлаган. Баланд-баландда айрим шохлар қуруқ.

Шу асно боғ эшиги очилиб, бир мўйсафид чиқиб келибди. Эрматбой кўлини кўксига олиб борибди, салом берибди. Хол-ахвол сўрашаётганлариди, мўйсафид йўловчи ўрикка аллақандай ачиниб билан нигоҳ ташлаётганини илғаб қолибди. — Кексалик курсин, уч-тўрт йилки қаролай қолдим, — дебди мўйсафид. — Қани, мяхмон, бир пиёла чоғга. — Раҳмат, ота, — дебди Эрматбой ва иш кидириб юрганини айтибди.

ИБРАТНОМА

Шундай қилиб, Эрматбой иккинчи йилга мардикорчиликда қолиб кетибди. Келаси кўклам ҳам ўрик қийғос гуллабди. Лекин, кеч совуқ хурж қилиб қолибди. Эрматбой боғ парвариши билан овера бўлиб, яна бир йилни ўтказибди. Мўйсафид ҳаққини ол, болам, деса ҳам олмасмиш.

Шундай қилиб, Эрматбой иккинчи йилга мардикорчиликда қолиб кетибди. Келаси кўклам ҳам ўрик қийғос гуллабди. Лекин, кеч совуқ хурж қилиб қолибди. Эрматбой боғ парвариши билан овера бўлиб, яна бир йилни ўтказибди. Мўйсафид ҳаққини ол, болам, деса ҳам олмасмиш.

«ЭНГ ИҚТИДОРЛИ МУТАХАССИС»

Тошкентда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Энг иқтидорли мутахассис» танлови бўлиб ўтди.

Кўрик-танловнинг очилиш маросимида ёшлар билан ишлаш, иқтидорли болаларни аниқлаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иккинчи босқинининг асосий устувори вазифаларидан бири эканини таъкидланди. Кўрик-танловнинг якуний босқичида вилоятларда ўтказилган дастлабки турлардан ўтган 87 та касб-хунар коллежи ўқувчилари ўз ишларини намойиш этди. Танлов иштирокчиларининг ўртача ёши 17 да. Шунга қарамай уларнинг ишлари сифати ва дизайни жиҳатидан йирик қорхоналарда ишлаб чиқарилаётган махсулотлардан қолшимайди. Танловга энгил санаят, алоқа, маданият, санъат, миллий хунармандлик соҳаларидаги махсулотлар тақдим қилинди. Бу ерда илк бор ўқувчиларнинг радиотехника, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, транспорт воситалари ва спорт анжуманлари ишлаб чиқариш соҳаларидаги ишлари намойиш этилди. Улар орасида мамлакатимиз тикувчилик коллежлари ўқувчилари томонидан маҳаллий хом ашёдан, 70-90 фоиз табиий пахта ҳамда ипақдан тайёрланган спорт кийимлари алоҳида эътиборга лойиқ. Эҳтимол, янги спорт кийимларини «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалари иштирокчилари кирдилар. Ҳ.СОДИҚОВА, ЎЗА мухбири.

БЕКОРГА ЎТ ЧИҚМАЙДИ

Ҳозирги кунда газ мосламаларининг носозлиги ёки улардан фойдаланиш қондаларининг бузилиши натижасида ёнғин чиқиши кучаймоқда. Бу кўп жиҳатдан бепарволик, эҳтиётсизлик ва эътиборсизлик оқибатидир. Шу йилнинг ўн ойи мобайнида вилоятимизда содир бўлган 1585 та ёнғиннинг 932 таси фуқароларнинг турар-жойларига тўри келди. Оқибатда 14 киши ҳалок бўлиб, 94 киши турли даражада тан жароҳати олди. Фақатгина газ асбоб-ускуналарини но-тўғри қуриш ва ишлатиш қондаларини бузишдан 257 мартаба ёнғин келиб чиқди. Масалан, 1 октябрь кун Чиноз тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг Гулистон бўлимида истиқомат қилувчи фуқаро Н.Утеповга қарашли уйда газ ускунасини ишлатиш қондаларини бузиш оқибатида ошхонада ёнғин содир бўлди. 13 октябрь кун Уртачирчиқ тумани «Кончи» жамоа хўжалиги, Майрамқул кўчаси, 18-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Ш.Эргашевга қарашли уйда печ мўриси носозлигидан ҳаммом ёниб кетди. 25 октябрь кун Пскент шаҳар, С.Раҳимов кўчаси, 51-уйда истиқомат қилувчи фуқаро С.Абдурахмоновага қарашли уйда ҳам айни шундай ҳодиса юз берди. Ёнғин билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан сақланиш, ёнғинларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик мақсадида Тошкент вилояти ёнғин хавфсизлиги бошқармаси яна бир бор эслатади: — газ билан истиқомат пелларнинг ишлатиш мунтазам назорат қилиб туринг, тўнда уларни ўчириб қўйишни унутманг; — ясама ва носоз иситиш мосламаларидан умуман фойдаланманг; — газ мосламаларидан фойдаланишни ёш болаларга ишониб топширманг, уларни уйда ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилинг; — газ плиталаридан хонани иситиш мақсадида фойдаланманг; — ёниб турган газ плитаси устида кир қуритманг; — газ мосламаларига резина шланглар улаб, бошқа мақсадларда фойдаланманг; — агарда газ ёки иситиш мосламаларини ўрнатмоқчи бўлсангиз, газлаштириш идораларидан рухсат олиб, мутахассислар орқали амалга оширинг. Оловдан эҳтиёткорлик билан тўғри фойдаланиш ўз қўлимизда. Ҳамма вақт сергак ва хушёр бўлсак, ёнғиннинг олдини олишнинг амалда жуда оддий қондаларига риоя этсак, лоқайдликка чек қўйсаккина, турмушимиз тинч ва йўқотишларсиз ўтади. Буни асло унутманг. Р.СУЛАЙМОНОВА, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг йўриқчиси, ички хизмат лейтенанти.

СКАНВОРД

Scrabble grid with words and clues. Words include: Тўлиқ, мукаммал лугат; Оқич; Акс ҳолда, йўса; Уюшма; Чама, тахмин; Кипрининг асосий порти; Сарсон-саргардон; Аслини олганда, аслда; Доналаб сотилган; Юза бирлигига тўри келадиган куч; Хонанда; Ақл-идрок; Парламентнинг юқори палатаси; Йиғинлар исми; Испаниядаги йирик шаҳар; Ҳукумат аъзоси; Қаришга дучор бўлган, лаллашган; Таянч, негиз; Фарзанд; Чезра, жамол; Собит қадан; Тиниқ осмон рангидаги; Асирлик, туғқунлик; Оқ-қора рангли; Ука; Чап (акси); Карп-симон тангалли балчи; Грециянинг туб аҳолиси.

Тузувчи: Ақромжон ХУЖАМОВ.

ЁШ КАРАТЭЧИЛАР ИСТИҚБОЛИ

Янгийўлда ташкил этилган «Шоҳаббос» клубининг иштирокчилари қўллаб-қувватлашга эришмоқда. Ёш каратэчилар жамоаси бугунги кунда шаҳар марказий ўйингоҳи, Гулбахор касб-хунар коллежи ва айрим ўрта мактабларда ўз филиалларига эга. Уларда 600 нафардан зиёд ўсмир ва ёшлар каратэ сирларини кунт билан ўрганмоқда. Клуб аъзолари Тошкент шаҳри «Жар» спорт мажмуида ўтказилган каратэ бўйича республика мусобақаларининг якуний босқичида иштирок этишди. 55 килограмм вазнда Отабек Саянов иккинчи, 45 килограмм вазнда Абдулҳаким Юсупов ва 35 килограмм вазнда Абдулҳаким вазилилар ўртасида Завқиддин Ибодов учинчи ўринларни эгаллашди. Ўз мухбиримиз.

Тошкент вилояти Аграроноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси кўмитаси ҳужалик ва касба уюшмаси органларида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб келган АСМ ходимлари касба уюшмаси Тошкент туман кўмитаси раиси Тўлқин Ғозибоевич АЛИМОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия билдиради.

TOШKЕНT ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА. Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ. Бош муҳаррир: ФАТҲИДДИН МУХИДИНОВ. Шеллофонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонар: 133-70-10, 136-53-80. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифалонди. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.